## Бино маълумотларини бошқариш

### Бино яратиш

Бино яратиш тизимнинг **Infrastruktura/Bino** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Бино яратиш

Бинолар тўғрисидаги маълумотларни қуйидагича шакллантиринг.

– **Nomi** майдонига бино номининг киритинг;
– **Manzil** майдонига ОТМ манзилини киритинг;

**Saqlash** тугмаси танлаш орқали маълумотларни сақланг (2-расм).




2-расм. Бино маълумотларини шакллантириш

Яратилган бинолар рўйхатини кўриш тизимнинг **Infrastruktura/Bino** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).




3-расм. Бинолар рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида ОТМнинг барча биноларини яратиб олинг.

### Бино маълумотини таҳрирлаш

Бино маълумотларини таҳрирлаш учун тизимнинг **Infrastruktura/Bino** менюси танлаш орқали бинолар рўйхатига ўтинг (3-расм). Бинолар рўйхатидан бинони танлаш орқали бинонинг таҳрирлаш ойнасини очинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан таҳрирлаш ишини бажаринг ва **Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотни сақланг

### Бино маълумотини ўчириш

Бино маълумотларини ўчириш учун тизимнинг **Infrastruktura/Bino** менюси танлаш орқали бинолар рўйхатига ўтинг (3-расм). Бинолар рўйхатидан бинони танлаш орқали бинонинг таҳрирлаш ойнасини очинг (2-расм). Таҳрирлаш ойнасидан **O‘chirish** тугмасини танлаш орқали бино тўғрисидаги маълумотни ўчиринг.

***Эслатма.*** Агар тизимда бинога боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим бинони ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда бинони ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.